

330.115 (043.3)
52

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 330.115+330.567

ҚОБИЛОВ АЛИШЕР ЎРИНОВИЧ

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ЖАМФАРМАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 – «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2004

330.115 (043.3)

№52 Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
«Иқтисодий информатика» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар-

Иқтисод фанлари доктори,
профессор Турсун Шодиев

Расмий оппонентлар-

Иқтисод фанлари доктори,
профессор Кумри Сафаева

Иқтисод фанлари номзоди, доцент
Аббас Набиходжаев

Етакчи ташкилот-

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги
Самарали иқтисодий сиёsat
маркази

Диссертация химояси «14 Октябрь 2004 йил соат 9⁰⁰ да
Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари
доктори илмий даражаси олиш учун диссертациялар химояси бўйича
Д 067.06.01 ихтисослашган кенгаши мажлисида бўлади.

Манзилгоҳ: 700063, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиши мумкин

Автореферат 2004 йил «11 Сентибр да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаши илмий
котиби, иқтисод фанлари
доктори, профессор

М.С.Қосимова

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

К и р и ш. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўналтирилган ислоҳотларнинг ўтказилиши иқтисодий ва ташкилий характердаги мавжуд муаммолар юзага келиши билан бирга давом этмоқда. Республикамизда монетар сиёсатдан асосий бошқарув воситаси сифатида фойдаланилганлиги натижасида иқтисодий ўсиш ва жамғармані тартибга солиш жараёнларида ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсиши таъминланмоқда, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми кўпайиб, инфляция жараёнларининг пасайиши таъминланмоқда.

2003 йили республикада иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотларни чукурлаштириш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт ҳамда унинг етакчи тармоқ ва секторларида мунтазам ўсиш тенденцияси кузатилди.

Ўтган йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ килиш изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг баркарор суръатлари таъминланаби, ялпи ички маҳсулот 4,4 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиш эса 7,9 фоиз кўпайди. Қатъий пул-кредит сиёсати юритилиши туфайли инфляция даражаси 2002 йилдаги 21,6 фоиз ўрнига 3,8 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 12,3 фоизга ўсли.

Узокни кўзлаб сиёсат юритиши натижасида ташки иқтисодий фаолият ҳам бир мунча фаоллашди. Жўмладан, ташки савдо айланмаси ҳажми 17,3 фоиз, экспорт ҳажми 24,6 фоизга ўсиб, ташки савдо айланмасида 760 миллион АҚШ долларидан ортиқ микдорда ижобий салъдога эришилди. Мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллиги таъминланаяпти. Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ҳар йили мунтазам равища 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча мухим тармоқлари муттасил ривожланётганини кўриш мумкин. Ўтган ҳисобот даврида – 2003 йил давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз ўсгани ҳам шундан далолат беради. Айниқса, электротехника саноатида (10 фоиз), машинасозлик ва метални қайта ишлаш соҳасида (30 фоиз), енгил саноат (6,2 фоиз), автомобилсозлик (29,1 фоиз) ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқаришда (8,4 фоиз) ўсиш суръати кузатилди. 2003 йили республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҳаражатлар қисми амалда бажарилиб, давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 2 фоиз ўрнига 0,4 фоизни ташкил этди.¹

Маълумки, эркинлаштириш шароитида бошқаришнинг мътмурий буйруқбозлиқ усуллари аста-секинлик билан иқтисодий жараёнларнинг боришига нисбатан ўз таъсирини йўқота бошлиайди. Бундай шароитда давлат томонидан тартибга солиш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги бозор муносабатларини ислоҳ килишда жиддий тўсик бўлиши мумкин.

¹ И.А.Каримовининг 2003 йилда мамлакатини ижтимоий-иктисодий ривожлантириши якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотлари чукурлаштиришининг асосий йўналишларига бағишилган Вазирлар Мажлисидаги маъруаси. «Халқ сўзи» рўйномаси, 2004 йил. 10 февраль.

Ривожланган мамлакатлардаги бозор муносабатларининг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг тарихий жараёни шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсиш ва жамғармани давлат томонидан тартибга солиш объектив характерга эга. Давлатнинг худди шундай фаолият юритиши бозор муносабатларига ҳам иқтисодий сиёсат тарзида таъсир кўрсатади.

Айниска, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат томонидан тўгри ва мукаммал иқтисодий сиёсат юритиш ресурслардан самарали фойдаланишга кафолат бўлади. Шу билан бир вақтда, иқтисодиётда вужудга келган айрим номутаносибликларни мувваффакиятли бартараф этиш ва иқтисодиётни янада самарали ривожлантириш шубҳасиз, давлатнинг бошқарув фаолиятига боғлиқ бўлса ҳам, иқтисодий эркинлаштиришнинг шаклланиши жараёнида давлат томонидан бошқаришнинг аниқ механизмлари масаласи очиқ қолмоқда.

Иқтисодий математик воситалар иқтисодий жараёнларнинг қонунлари ҳамда тенденцияларини чукурроқ ва тизимли ўрганишга, истиқболни белгилашининг мавжуд методологияси, ташкил килиниши ва технологиясини қайтадан кўриб чиқишига имкон беради. Иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштиришга А.Абдугаффоров, Р.Х.Алимов, Б.Беркинов, М.И.Ирматов, К.Сафаева, В.Қобулов, С.С.Уломов, Т.Ш.Шодиев, В.А.Чепель каби мамлакатимизнинг таникли олимлари ўз илмий асарлари билан муносиб ҳисса кўшганлар.

Шу билан бир қаторда П.Браун, Ж.К.Гелбрейт, Э.Ж.Долан, П.Драккер, Ж.М. Кейнс, Р.Б.Карсон, Д. Линдсей, А.Мол, А.Тоффлер каби бир қатор хорижий иқтисодчи назариётчилар ҳам ўз илмий ишларида давлатнинг молиявий сиёсати, давлатнинг бозор муносабатларини тартибга солишдаги иштироки, давлатнинг бозор элементларига таъсири каби муаммоларни тадқиқ этганлар.

Таъкидаш жоизки, хорижлик муаллифлар ўз илмий ишларида келтирган ҳолатлар, тавсиялар ва амалий натижалар Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлаштиришни шакллантиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва муаммоларини ҳисобга олмайди, шу боис уларнинг тадқиқотларидан фойдаланилганда аниқ шароитларга мослаштириш талаб қилинади. Аммо, ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши ва жамғармани динамик ривожланаётган тизими асосида тартибга солиш каби устувор муаммосини ҳал этиш бўйича эконометрик тадқиқот олиб борилмаган. Агар соҳа билан чамбарчас боғлиқ Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг эҳтимоллик аспектлари бўйича экспериментал ҳисоб-китоблар асосида чуқур тадқиқот олиб борилган нацирлар амалда мавжуд эмас.

Муаммо иқтисодий ўсиш ва жамғарма ривожланишининг муқобил вариантларини тадқиқ килиш, яъни имитация режимида турли хил тажрибалар ўтказиш, ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти таҳлилини кенгайтириш ва чукурлаштириш, бошқарувни илмий асослаш ва иқтисодий ўсиш ва жамғарманинг ривожланиши суръатини тезлаштириш соҳасида стратегик қарорлар қабул килишга имкон берувчи эконометрик моделларни яратишдан иборат. Шунинг учун ҳам тадқиқот мавзуси ўзининг долзарблиги билан аҳамиятлиdir.

**И л м и й т а д қ и қ о т н и н г м а қ с а д в а в а з и ф а -
л а р и . М иллий иктисодиётнинг барқарор юксалиши суръатини таъминлаш
борасида иктисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнларининг
услубий асосларини такомиллаштириш ва эконометрик моделларини ишлаб
чикиш - илмий ишнинг мақсади хисобланади.**

Кўйилган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иктисодиётни эркинлаштириш борасида Ўзбекистон Республикасининг мустақилик йилларида босиб ўтган даврига баҳо бериш ва ўзига хос хусусиятиарини хисобга олган ҳолда ўрганиш;

• иктисодий ўсиш ва жамғарманинг аграр-иктисодий ва ижтимоий-икти-
содий жараёнларини эконометрик моделлаштириш ҳамда рекурсив
дастурлашнинг илмий тамойилларини ишлаб чикиш;

• Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва жаҳондаги саноати
ривожланган бошқа мамлакатларнинг иктисодий ўсиш ва жамғармани
тартибга солиш, истиқболини белгилаш тажрибаларидан фойдаланиш
имкониятларини баҳолаш;

• бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлик тизимидан ижтимоий йўналти-
рилган бозор иктисодиётига босқичма-босқич ўтища иктисодий ўсиш ва
жамғармани тартибга солишнинг услубий асосларини такомиллаштириш;

• иктисодий ўсиш ва жамғарманинг ривожланиш истиқболини
белгилашга доир услублар яратиш ҳамда йўналишили ёндашишларни ишлаб
чикиш;

• яратилган эконометрик моделлар асосида иктисодий ўсиш ва жамғар-
манинг қисқа муддат учун ривожланиш истиқболини белгилаш.

Тадқиқот предмети таҳлилнинг концепциялари, услублари, моделлари, иктисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг турли
босқичларида давлат иктисодиётини тартибга солишнинг роли ва
усулларидан иборат. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг иктисодий ўсиш ва жамғарма, иктисодий ўсиш ва
жамғармадаги асосий аграр-иктисодий ҳамда ижтимоий-иктисодий жараён-
лар ва таъсир этувчи омиллар олинган.

Тадқиқот услубиётни Ўзбекистонда иктисодий ўсиш ва
жамғармани тартибга солиш, ташки иктисодий фаолиятни фаоллаштириш
масалаларига оид Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарорлари,
хорижий ва мамлакатимиз олимларининг иктисодий ўсиш ва жамғарма
соҳаларининг замонавий ютукларига сунянати.

Тадқиқот натижасида математик ва статистик моделлаштириш, рекурсив дастурлаш, тизимли таҳлил ва эксперт баҳолари усусларини
такқослаш илмий тадқиқотнинг ўзига хос услубиётидир.

Диссертациянинг илмий яигилиги.
Мамлакатимизда бозор иктисодиёти босқичма-босқич шаклланиб бораётган
бир даврда иктисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнлари сон
ва сифат таҳлилининг назарий, услубий, эконометрик моделлар мажмуаси
ишлаб чикиш асосида:

а) иқтисодий ўсиш ва жамғарманинг миллий иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари асосланган;

б) давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви усулларининг Ўзбекистон Республикасидаги самараси баҳоланган, иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солишнинг эконометрик усуллари ишлаб чиқилган ва улар натижасида кўп омилли эконометрик моделларни тузиш ва унинг барқарорлигини текшириш ҳамда мутаносиблитини тъминлаш усуллари таклиф килинган;

в) иқтисодий ўсиш тенденциялари ва жамғармани юксалтиришни истикболлаш моделлари ҳамда ўзгариш динамикасининг истиқболдаги йўналишлари таклиф этилган.

Илмий ишнинг қуйидаги асосий ҳолатлари химояга олиб чиқилмоқда:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида дастурий-мақсадли ёндапиш, математик усуллардан фойдаланиш асосида иқтисодий ўсиш ва жамғармани бошқаришни тъминлаш тамойиллари;

- миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иктисодий жараёнлари, ривожланиш суръатлари ва ўсишининг турли вариантдаги моделлари;

- ресурсларнинг ўртача, чегара ва бирликдаги самарадорлиги асосида иқтисодий ўсиш ва жамғарманинг самарали фаолият юритишининг интеграл қўрсаткичлари;

- иқтисодий ўсиш ва ресурслар самарадорлиги динамикасининг комплекс таҳлили, синтези ва истиқболининг такомиллаштирилган услублари;

- иқтисодий ўсиш ва жамғарма ривожланишининг 2006 йилгача бўлган йўналишларининг эҳтимолли динамикаси ва истиқболлари.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини жорий этиш шу билан асосланадики, олинган натижалар республика иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида уни тартибга солишнинг жорий вазифаларини ҳал қилишида давлат бошқаруви идораларида амалий фойдаланиш учун мўлжалланади. Уларни иқтисодий ўсиш ва жамғарманинг таркиби ўзгаришлари ҳамда ислоҳ қилишнинг ўрта ва узок муддатли дастурларини ишлаб чиқиш, молиявий истиқболли варианtlарини ишлаб бериш, таркиби ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишининг дастурларини асослаш ва хоказолар учун кўллаш мумкин.

Тадқиқотнинг асосий натижаларини синовдан ўтказиш вататбик этиш. Синов натижалари шуни қўрсатадики, ишлаб чиқилган тизим иқтисодий ўсиш ва жамғарма жараёнларини бошқаришда илмий асосланган қарорлар қабул қилиш учун мухим ва ишончли восита бўлиб хизмат килади.

Илмий тадқиқотнинг асосий натижага тақлифлари муаллиф томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Муаммоларни мувофиқлаштириш кенгаши (2002 й.), Тошкент давлат аграр университети (2002 й.), Тошкент молия институти (2002 й.), Андижон мухандислик-иктисодиёт институти (2003 й.) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси қошидаги «Замонавий ахборот технологиялари» Маркази (2004 й.) илмий семинарларида мухокама қилинган ва уларда ижобий баҳоланган.

Тадқикот мавзуси бўйича чоп этилган ишлар. Диссертация мавзуси бўйича асосий фикрлар умумий ҳажми 2,0 босма табоқ бўлган 12 та нашр, илмий мақолалар ва маъризуналар тезисларида баён этилган.

Диссертация ишининг таркибий тузилмаси. Қўйилган мақсад ва вазифалар диссертациянинг таркиби ва мазмунини белгилаб беради. У кириш, учта боб, хулоса, таклифлар, фойдаланинг анабиётилар рўйхати ва иловадан изорет берилган.

Диссертациянинг кириш қисмидаги тадқикот мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси ёритилган. Шунингдек, тадқикот мақсади, вазифалари, илмий янгилиги ва аҳамияти изоҳлаб берилган.

Диссертациянинг «Иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солишининг назарий ва услубий асослари» деб номланган биринчи бобида ушбу тартибга солишининг ривожланган мамлакатлар иқтисодидаги роли, ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари таҳдид қилинган. Шу билан бирга иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнларини моделлаштириш муаммолари аниқланган.

Диссертациянинг «Иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солишининг эконометрик модел ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг эконометрик моделларини ишлаб чиқишининг услубий асослари ва ишлаб чиқариш жамғармалари ўсишининг кўп омилли эконометрик моделлари таклиф қилинган.

Диссертациянинг «Иқтисодий ўсиш ва жамғарманинг таркибий ўзгариши эконометрик моделларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида иқтисодий ўсиш ва жамғарма жараёнларини тартибга солишида эконометрик моделларни қўйлаш натижасида меҳнат унумдорлигининг юксалиши, иш жойининг сифати жиҳатидан янги босқичга чиқиши, маҳсулот таннархининг пасайиши, иқтисодий ўсиш ва жамғарманинг барқарор ривожланишини истиқболлаш моделлари ва ўзгариш динамикасининг истиқбол йўналишлари таклиф этилган.

Диссертациянинг хулоса қисмидаги тадқикот натижаларидан келиб чиқадиган асосий хулоса ва таклифлар берилган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ МАЗМУНИ


Ўзбекистонда бозор муносабатларининг қарор топиши билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади - иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов белгилаб берган бешта тамойил асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш иқтисодиётимиз ривожланишининг муҳим йўналишларидан хисобланади. Иқтисодиёт ривожланишида эришилган даража барча ижтимоий-иктисодий муаммоларни бир вақтда ҳал килишга имкон бермайди. Бундан ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тактикаси ва стратегиясини танлаб олишда эркинлаштириш шароитига ўтиш билан

боғлиқ бутун вазифалар мажмусини ҳал қилишда қўмаклашувчи устувор йўналишларни аниқлаш зарурияти вужудга келади.

Миллий иктисодиёт реал секторлар соҳаларида ва умуман иктисолдиёттада ишлаб чиқаришнинг пасайишигача бўлган тенденцияни енгib ўтиш ва унинг ўсишини 1996 йилдан бошлаб янгилаш Ўзбекистоннинг мустакил тараккиётининг дастлабки йиллари макроиктисодий сиёсатининг бош натижаларидан бирни бўлиб қолди.

1990-2003 йиллардаги энг муҳим макроиктисодий индикаторлар динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики (1-расм), Ўзбекистонда ишлаб чиқариши кўпчилик МДХ давлатлари учун тавсифий бўлган чукур пасайишни четлаб ўтишга иктисолдиёттинг икки етакчи соҳаси - саноат ва қишлоқ хўжалигини кўллаб-куватлаш ва ислоҳ қилишга қаратилган чоратадбирлар имкон берди. Натижада саноатдаги ишлаб чиқариш пасайишини 1995 йилда, қишлоқ хўжалигида эса 1997 йилда енгib ўтилди.



1-расм. МДХ айрим мамлакатларида иктисодий салоҳиятнинг ислоҳотдан олдинги даражаси тикланиш суръатларини баҳолаш¹.

Агар 1990 йилдан 1995-1996 йилларгача бўлган даврда ишлаб чиқариши пасайиши Ўзбекистонда 20% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсакчич Россия ва Қозогистонда 40%, Киргизистонда 50%, Украинада 50-55%ни ташкил этди. Натижада, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг реал сектор соҳаларининг бир кисми (энергия ташувчиларни ишлаб чиқариш, рангли металлургия, галлачилик) ишлаб чиқаришнинг емирилиш даражасида пасайишига йўл қўймайдигина эмас, балки маҳсулот чиқариши кўпайтиради ҳам.

Мустакилликнинг дастлабки йилларида макроиктисодий тартибга солишининг жорий стратегияси давлатнинг миллий даромадини қайта тақсимлаш, бюджет танқислiği устидан қатъий маъмурий назорат ўрнатишдаги, хусусийлаштиришнинг нисбатан паст суръатлари, ўз-узини

¹ «Экономическое обозрение» журнали 2000 йил 1-сони (22-бет) ва муаллифнинг хисоб-китоблари асосида.

тартибга солувчи бозор тамойилларининг амал килиш миқёсини кенгайтириш учун эркинлик бериш ва шароитлар яратишдаги юқори ролини саклашдан иборат фарқли хусусиятлари эди. Бу нарса бозор инфратузилмасидаги асосий унсурнинг йўқлиги, давлат мустақиллiği ва иқтисодий мустақилликни, аввало, энергетика ва галла мустақиллитетини таъминлаш зарурияти, муомалага миллий валютанинг олиб кириши, маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан мерос қолган нарх-наво паритети бузилганингини тақозо эттан бир қатор ҳолатлар билан шартланган эди.

Шунга қарамай, макроиктисодий барқарор соҳаларни ислоҳ қилишнинг ўтган даврида сезиларли ижобий силжишларга эришилди. Хусусан 1995-2003 йillardарда кўйидагиларга мудаффак бўлинди:

- миллий валютани муомалага киритиш ва мустақил пул муомаласини ташкил этиш;

- пул массаси эмиссиясининг илгари юзага келган инфляция даражасини пасайтиришга ёрдам берувчи микдорларгача камайишини таъминлаш;

- тўлов қобилиятига эга бўлган жами талаб ва жами таклифни баланслаш, товарлар ва хизмат кўрсатиш бозорида маълум мувозанатта эришиш;

- марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасини мукобил даражага етказиш, кредит захираларига талаб ва таклифни мувозанатлаштириш, монетар ва фискал сиёсатни уйғунлаштириш;

- ёқилги-энергия ресурслари ва дон импортини кескин қисқартириш, шунингдек энергетик ресурслар ҳамда рангли металлар экспортини кўпайтириш хисобига тўлов баланси ҳолатини яхшилаш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқ-бюджет барқарорлигини аниқлашнинг йўлларидан бири - бу камомаднинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан кўпайишига йўл қўймасликлир. Яъни, давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан киймати иқтисодий ўсиш, ставка фоизи ва инфляцияга нисбатан барқарор бўлиши керак.

Биз бу кўрсаткич асосига даромад ва ҳаражатлар динамикаси ўзгаришининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини олишини ва уни бошқа мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиширишни мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида миллий иқтисодиётнинг макроиктисодий кўрсаткичлари, жумладан: реал ЯИМ микдорини ўчаш, янги тармоқларнинг статистик кузатувлар билан етарли қамраб олинмаслиги, иқтисодиётнинг “норасмий” сектори ҳакида аҳборотларнинг йўқлиги, ҳозирги талабларга ва ҳалқаро статистик стандартларга жавоб бермайдиган дастлабки статистик ҳисобот сифатининг пастлиги услубий жиҳатдан муаммо ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси ЯИМ ҳажми ва динамикасига баҳо беришда жиддий ноаникликларга олиб келиши мумкин. Бундан ташкири, макроиктисодий индикаторлар динамикасидаги у ёки бу тенденциянинг барқарорлик даражасига баҳо бериш - узок муддатни таҳлил этишин талаб қиласи.

Шундай қилиб, республикамизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, пул-кредит, солиқ ва бюджет сиёсати соҳасида

давлатнинг иқтисодий фаолияти оқибатларини илмий асослаш ва баҳолаш воситаси сифатида эконометрик моделларнинг роли ошиб бормокда.

Эконометрик тадқиқотлар умумий кўринишда ўзаро боғлиқ бир қатор босқичларда олиб борилади:

- 1) миљий иқтисодиётни тартибга солишининг аниқ ҳал килинувчи иқтисодий муаммолари ва уларни тадқиқ қилишининг мақсадлари аникланади;
- 2) тадқиқотлар мақсади нутқи назаридан муҳим омиллар доираси аникланади;
- 3) кўриб чиқилаётган жараёнларнинг назарий баёни берилади;
- 4) бундан кейинги тадқиқотларнинг мақсади белгиланилади, уларга эришиш моделларни жалб килишни талаб қиласди;
- 5) кейинги мақсадларга жавоб берувчи назарияларнинг мазмунли тасдиқлари ва иқтисодий ўзгарувчилари танлаб олинади.

Иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш функциядаги омилларнинг ўсиш суръати экспоненциал қонуниятга биноан амал қиласди, деган хуносага биноан асосий ишлаб чиқариш фондларнинг йиллик кўпайиш микдорини куйидаги тенгликтан топиш мумкин.

$$\Delta K = S L_0^{1-\mu} e^{(\lambda + \kappa(1-\mu))t} K^{\mu} - \pi K \quad (1)$$

Бу ерда K -асосий фонд, S -жамғарма, L -ишлилар сони, μ -омилларнинг эгилувчанлик параметри, λ -ишлаб чиқариш самараодорлигининг ўсиш суръати, t -вақт.

Ҳақиқий ишлаб чиқариш функцияси ўлчамларини кўриб чиқамиз ва ишлаб чиқариш киритмаларининг мувофиқлик даражаси ва мувофиқлашганлик шартлари ҳақидаги гипотезани шакллантирамиз. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишнинг макроиктисодий функцияси 1991-2003 йиллар учун куйидаги кўринишга эга:

$$Y = e^{0,26044} * K^{0,3616} * L^{0,739559} \quad (2)$$

Бу ерда Y -ялпи ички маҳсулот

Тадқиқот олиб борилаётган давр учун миллий иқтисодиёт соҳаларида ишлилар сонининг ўсиш суръати $n = 1,60$ ни, республика иқтисодий ўсиш бўйича асосий ишлаб чиқариш жамғармаларининг сафдан чиқиш мөёри $\rho = 5,6\%$ ни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш функциясидан сармоялар киритишнинг ўсиши суръатларини олиш мумкин. Бунинг учун фараз киламизки, сармоялар киритиш(m) нинг ўсиши суръати, ўтган йилларда бир хил даражада содир бўлган. У холда

$$K_0^n = J_0^n / (m+p+\lambda/1-\mu) \quad (3)$$

ёки базис даврида маълум фонд сигимида (K_0/Y_0):

$$m + p = 10,3\%$$

Бунда $m + 5,6 = 10,3$ ёки $m = 4,7\%$

Бу ерда J -жамғарма маблағлари, m -жамғарманинг ўсиш суръати, p -асосий ишлаб чиқариш фондларининг мөёри.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсишининг экспоненциал тенг даражали суръатлари ҳақидаги гипотезага амал қилган ҳолда тадқиқот даври учун k ҳақиқий микдорини оламиз:

$$\Delta K/K = k = S L_0^{1-\mu} e^{(\lambda + \kappa(1-\mu))t} K^{1-\mu} - \rho \quad (4)$$

Бу ерда k -асосий фонднинг ўсиш суръати,

$K^{(1-\mu)} e^{(\lambda+n(1-\mu))h}$ - доимий микдор бўлганилиги учун k куйидаги шартни қаноатлантириши керак:

$$\mu k - \lambda + n(1-\mu) = 0 \quad (5)$$

$$(3) \text{ ифодадан} \quad k = n + (\lambda / 1-\mu) \quad (6)$$

1995-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсиш ва жамғарма учун: $k = 1,60 + (1.1 / 0,7396) = 3,09 \%$

Мувофиқлаштирилган ўсиш билан боғлиқ ишлаб чиқиш жамғармасини k ва p меъёри маълум бўлгандা, ифодадан k топилади:

$$k = SK^{\mu} L^{1-\mu} - p \quad (7)$$

бу S_0 даражасини хисоблашга имкон беради:

$$S_0 = (k + p) K_0 / Y_0 \quad (8)$$

Бизнинг масаламизда $S_0 = (3,09 + 5,6) * 1,8 = 12,17 \%$

Демак, кўриб чиқилаётган даврда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишнинг ўртача мувофиқлаштирилган суръати 3,09 % ни ташкил қилади. Бу ўсишини таъминловчи ишлаб чиқариш жамғармасининг меъёри 12,17 % га тенг. Таҳлиллар кўрсатишича, асосий ишлаб чиқариш жамғармаларининг ўсиш суръати соғ маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларидан анча ортда қолиб кетган.

Юқорида кўриб чиқилган иқтисодий ўсишнинг илмий-услубий концепцияси ва ёндашувларини кўйидагича изоҳлаш мумкин:

- иқтисодий ўсиш муаммоларининг мураккаблиги. Бу ўсишнинг намоён бўлишидаги аник шарт-шароитлар хилма-хилигиги ва ўзига хослиги иқтисодий ўсишнинг бирон-бир моделини, айниқса ўтиш иқтисодиётини давлат учун бир хилдаги устувор модел деб хисоблаш имконини бермайди;

- иқтисодиётни фаоллаштириш шарт-шароитларини белгилашда мураккаб иқтисодий ҳодисаларни (масалан, пул массасининг ортишини инфляциянинг ятона сабаби деб эълон қилиш ёки стратегик мақсад сифатида инфляциянинг минимал даражасига эришишини иқтисодий ўсишнинг бошқа мақсад ва вазифаларига зиён келтирадиган қилиб кўйган ҳолда, молиявий барқарорликни нарх-навонинг кўтарилишини босиш билан бир хил ҳолат деб хисоблаш) тасвирилаб беришда бир томонлама баҳолаш ва соддалаштиришлардан қочиш зарур;

- жаҳондаги турли давлатларнинг иқтисодий ривожланиш статистикасини таҳлил қилишнинг формал-мантикий динамикаси билан ЯИМ суръатлари ҳамда иқтисодий ўсиш омиллари ўртасидаги қатъий математик алоқадорликларни макроиктисодий индикаторларни ўзгартириш соҳаларини кўрсатиш учун ҳам фойдаланиш лозим;

- бундай кузатиш обьектларини ва таҳлил қилинаётган индикаторлар доирасини таҳлил мақсадлари ва вазифаларига тўлиқроқ жавоб берадиган тарзда таъланган ҳолда фойдаланиладиган ёндошувларнинг методик аниклигини таъминлаш даркор.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий юксалиш шарт-шароитларини белгилаш учун асосий макроиктисодий индикаторларнинг ўртача қийматлари, уларнинг нисбатлари ҳамда иқтисодий муҳим параметрларини ўзгартириш чегаралари хисоб-китоб қилиб чиқидали. Бунинг учун иқтисодий ўсишини фаоллаштиришнинг ҳар бир йўналишини комплекс баҳолаш имконини берадиган бир неча индикаторлар

таңланади. Яъни молиявий барқарор индикаторлар сифатида инфляция даражаси, бюджет тақциллиги микдори, миллий валютанинг пул эмиссияси ва пул айланниш тезлиги суръати, тўловни бажара олмаслик каби инқирозли холатлар кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўрта даражаси олинади.

Хозирги вақтда мамлакатимизда ва хорижда иқтисодий ўсиш мажмуси бўйича алоҳида соҳалар ва ҳудудларни башоратлаш учун белгиланган микдорда эконометрик моделлар ишлаб чиқилган ва тажрибада текширилган ҳамда уларни ихтинослаштириш ва тенглаштириш муаммолари ҳал қилинган. Шунинг учун бундай моделлар ва математик аппарат захирасини куриш ва фойдаланиш тажрибасини қўллаб туриб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишнинг бошқарувчи ўлчамлари истиқболини белгилаш учун бундай турдаги моделларни шакллантириш ва амалга оширишнинг баъзи бир услубий масалаларини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқиди.

Эконометрик моделлар асосида иқтисодий ўсиш омиллари ва манбаларини тадқиқ қилиш қўйидаги босқичларни кўзда тутади:

- ишлаб чиқариш натижалари (маҳсулот ишлаб чиқариш), математик моделларни шакллантириш ва статистик гипотезаларни текширишга таъсир этувчи мухим омилларни аниклаш;
- ишлаб чиқариш омилларининг турли хил комбинацияларидаги иқтисодий самарадорликни уларнинг йигма, ўртача ва чегара самарадорлигини ҳисоблаш асосида аниклаш;
- ресурсларнинг ўзаро бир-бирларини алмаштиришдаги чегара меъёрларини ҳисоблаш ва иқтисодий ўсишнинг энг мувофиқ траекториясини аниклаш.

Бизнинг моделларимизда ишлаб чиқариш жамғармалари, бандлик ва материаллаштирилган техника тараққиёти нуқтаи назаридан олинганда ЯИМ ҳажмига функция деб каралаяпти. Бундай статистик боғликлардан бир секторли модел кўринишидаги умумийлаштиришнинг юқори даражасида фойдаланиш иқтисодий ўсиш траекториясининг муқобил баёнини беради.

Кейинги тахлилда қўйидаги белгилардан фойдаланилади: k, l - ишлаб чиқариш жамғармалари ва бандлик ўсишнинг ўртача йиллик суръати.

Бу микдорлар учун ишлаб чиқариш омиллари бўлиб унинг динамикасининг йигма самарадорлик даражаси икки омилни моделларда намоён бўллади. Иқтисодиётда бир турли ишлаб чиқариш функциялари иқтисодий ўсишнинг соғ экстенсив турига, бир турли бўлмагани эса иккала турига, яъни интенсив ва экстенсив ўсишга мос келади. Шунинг учун:

$$Y_t = A_t K_t^{\lambda} L_t^{\beta} \quad (9)$$

кўринишдаги ишлаб чиқариш функциясини ўзгартирилган шаклда ифода килиш керак, $Y_t = A_t (K_t^{\mu} L_t^{1-\mu}) (K_t^{\mu} L_t^{1-\mu})^{1-\lambda}$ (10)
бу ерда $\lambda = \mu v$, $\beta = (1-\mu)v$.

Агар $v > 1$, бўлса ресурсларнинг йигма самарадорлиги ошади ва қўйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$(K_t^{\mu} L_t^{1-\mu})^{1-v} = Y_t / (A_t K_t^{\mu} L_t^{1-\mu}) \quad (11)$$

Тенгламанинг чап кисми ҳар бир даврнинг йигма самарадорлиги даражасига мос келади ва $\lambda_e e^{\lambda_e}$ белгиланади.

Иқтисодий ўсиш омиллари ва манбаларининг тадқиқ қилиш ҳамда интенсив ёки экстенсив ўсишни аниқлаш учун боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган ўзгарувчиларнинг экспоненциал ўзгариши куйидаги нисбатларда амалга оширилади:

$$Y_t = a + \lambda k + \beta l \quad (12)$$

ёки

$$Y_t = a + \mu k + (1-\mu)l + \lambda \quad (13)$$

булар иқтисодий ўсишнинг айрим компонентларини тадқиқ қилишга ёрдам беради.

Иқтисодий ўсиш манбаларини ишлаб чиқариш омилларига бўлиниши-нинг фараз килинадиган ишлаб чиқариш функцияси ишлаб чиқариш ресурслари ва ресурсларни алмаштириш самараордортгани ҳамда уларнинг чегара нисбатларини аниқлаш учун сунъий усул сифатида кўриб чиқилади.

Тадқиқот олиб борилаётган давр учун Ўзбекистон Республикаси иқти-содий ўсишнинг ишлаб чиқариш функцияси куйидаги кўринишга эга:

$$\ln Y = 1,249812 + 0,488671 \ln K + 1,387653 \ln L \quad (14)$$

$$R^2 = 0,983992 \quad F = 91,46 \quad S = 0,0212$$

Тадқиқот талабига кўра, биз томонимиздан «макроиқтисодий» модел, хусусий иқтисодий моделлар, миллӣ иқтисодиёт соҳаларини ривожланти-ришнинг динамик моделлари» кўринишидаги босқичма-босқич эконометрик моделларни куришга асосланган башоратлашнинг успубиёти танлаб олинган. Эконометрик моделларнинг аксарият тенгламалари чизикли шаклда акс эттирилган ва ҳисоблаш тадбирлари соддалаштирилган. Шунинг учун тизимнинг ишлаб чиқариш функциясини табақалаштириб, уни тегишли микдорларнинг ўсиш суръатларида акс эттирамиз:

$$Y_t = ak + \beta l \quad (15)$$

бу ерда, l – ишчилар сонининг ўсиш суръати,

Шунга мувофиқ ялпи ички маҳсулот динамикаси, асосий ишлаб чиқариш фонdlари ва иқтисодий ўсиш соҳаларида банд бўлган ходимлар сонини тавсифловчи тенгламани тузамиз:

$$Y_t = Y_{t-1}(1 + 0,01y_t) \quad (16)$$

$$K_t = K_{t-1}(1 + 0,01k) \quad (17)$$

$$L_t = L_{t-1}(1 + 0,01l) \quad (18)$$

Эконометрик тенгламалардаги параметларнинг сон кийматларини баҳолаш 1995-2003 йиллар учун динамик қаторларни ишлаб чиқиш асосида энг кичик квадратлар усули билан амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг макроиқтисодий модели нормал кўринишда куйидагиларда намоён бўлади:

1) пул таклифи (PT) ялпи миллӣ маҳсулот (YMM) ва фоизлар ставкаси даражаси (C_D)дан функция сифатида

$$(PT) = f_1 YMM + f_2 C_D \quad (19)$$

2) нархларнинг умумий даражаси (N_D) уларнинг ўтган даражаси (U_D) ва инфляция (IN)дан функция сифатида

$$N_D = U_D(1 + IN/100) \quad (20)$$

3) Республикадаги курилиш - монтаж ишларининг ҳажми (QMI) кури-лишнинг асосий фонdlари (Q_F) ва курилишда банд бўлганлар сони (Q_{BC})дан функция сифатида

$$QMI = f_3 Q_F + f_4 Q_{BC} \quad (21)$$

4) давлат бюджетининг камомади (D_{BK}) давлат харажатлари (D_X) ва солик тушумлари (S_T)дан функция сифатида $D_{BK} = D_X + S_T$ (22)

5) республика миллий иктисодиёт саноатининг ялпи маҳсулоти (SYM) саноатнинг асосий фонди (S_F) ва саноатда банд бўлганлар сони (S_{BBC})дан функция сифатида $SYM = f_5 S_F + f_6 S_{BBC}$ (23)

6) республика қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти (YM_Q) қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фонди (IF_Q) ва қишлоқ хўжалигидаги банд бўлганлар сони (BB_Q)дан функция сифатида

$$YM_Q = f_7 IF_Q + f_8 BB_Q \quad (24)$$

7) республиканинг ялпи ички маҳсулоти (YIM) сармоялар киритиш (S_K), ахолининг пул харажатлари (P_X), даромадлар ва харажатлар салдоси (C_X)дан функция сифатида $YIM = f_9 S_K + f_{10} P_X + f_{11} C_X$ (25)

8) республика миллий иктисодиётида ишчи кучига талаб (ISH_{KTV}) хусусий сармояларни киритиш (HC_K) ва давлат сармояларини киритиш ҳажми (DC_{KX})дан функция сифатида $ISH_{KTV} = f_{12} HC_K + f_{13} DC_{KX}$ (26)

9) республика миллий иктисодиётининг ишчи кучи таклифи (ISH_{KT}) ўртача иш ҳақи (S_{IX}) ва инфляция суръати (IN_C)дан функция сифатида

$$ISH_{KT} = f_4 S_{IX} + f_5 IN_C \quad (27)$$

10) республика миллий иктисодиётидаги ишсизлик ($MISH$) инфляция суръати (IN_C)дан функция сифатида $MISH = f_{16} IN_C$ (28)

Ўзбекистоннинг жаҳон иктисодий ҳамжамиятига кириши республика ахолисининг ҳаёти учун муносаб шарт-шароитлар яратилишини талаб қилали. Бозор ислоҳотларининг якуний мақсадлари – ахолининг моддий ва маънавий турмуш даражасини ошириш учун ишлаб чиқариш таркибини қайта тузиш, янги замонавий технологиялар асосида миллий иктисодиёт салоҳиятини ошириш зарур. Факат шу ҳолдагина ички ва жаҳон нархларининг тузилишини яқинлаштириш, ишлаб чиқариш самараదорлигини мамлакатимиз маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражасини, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари бозорида ҳаракат қилишининг кескин ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш, миллий экспорт ҳажми ва таркибида тубдан ижобий силжишларга эришиш мумкин.

Аммо саноатнинг замонавий ва қайта ишловчи соҳаларини қайтадан жиҳозлаш катта микдордаги хорижий сармоялар ва молиявий харажатларни талаб киладиган жараёндир. Уларни амалга ошириш имкониятлари ҳозирги вактда чекланган. Таркибий қайта курища маблаглар билан таъминлаш манбаалари фақат ички имкониятлар ва иктисодий ривожланиш омилларидан ёки ташки резервлардан қидириб топилади. Бу икки ёндошишлар доирасида илмий ишда Ўзбекистоннинг миллий иктисодиётида бозор ислоҳотлари чукурлашув жараёнининг тараққиёт йўналишлари ишлаб чиқилган.

Бу йўналишлардан якин 3-5 йил ичida амалга оширилиши мумкин бўлганларидан энг муҳимлари кўйидагилардир:

1-йўналиш. Пессимистик вариант. Ушбу вариант доирасида ички резервлар ва иктисодий ўсиш манбаларига устуворлик берилади. Мазкур йўналишда саноатнинг хом ашёвий бўлмаган сектори корхоналарининг маблаглари бозор ислоҳотларини жадаллаштирувчилар ролидаги бўлади. Бу ҳол қиска муддатда иктисодиётнинг мазкур соҳаларида мамлакатимизда товар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий ҳолати кескин яхшиланганда содир

бўлади. Натижада шахсий маблағлар ва сармоялар билан таъминлаш хисобига хусусийлаштирилган корхоналарни қайта жиҳозлаш чукур таркибий ислоҳотлар жараёнини кенг авж олдиришга имкон беради. Бу ҳолатда давлатнинг вазифаси юқори технологияли маҳсулотлар кўпайиши қўшимча рағбатлантириш чораларни яратиш, бу корхоналарнинг молиявий ахволини анча яхшилашга йўналтирилган амалдаги солик, нарх-наво, бюджет ва пул-кредит сиёсатига тузатишлар киритицдан иборатdir. Анъанавий савдо шерилари билан ўзаро фойдали алоқаларни тиклашдан интеграцион самара ҳамда таркибий ислоҳотлардан бошлангич самара иқтисодиёт фаоллашувиning бошқа манбаалари ва омиллари бўлади. Бу йўналиш барқарор иқтисодий ўсиши траекториясига чиқиш даври давомийлигининг анча кисқаришига имкон беради.

2-йўналиш. Оптимистик вариант. Биринчи йўналишдан фарқли ўларок, иқтисодиётни фаоллаштириш жараёни жуда бўлмагандан унинг бошлангич даврида маблағлар киритишининг ташки манбалари - халқаро молиявий ташкилотлар, жаҳоннинг ривожланган давлатлари ҳукуматлари, хорижий нодавлат банклари карзлари, сармоялар киритувчи кредитларига боғланади. Давлат инфляция даражасини кисқартириш, бюджет камомадини қоплаш, кредит беришининг шартлари сифатида халқаро молиявий ташкилотлар томонидан кўйилган бошқа талабларни бажаришга йўналтирилган қатъий монетар ва бюджет сиёсатини ўтказади, маҳсулотларнинг анъанавий экспорт турлари - пахта, газ, рангли металл, ўйт, қишлоқ хўжалиги хомашёсини бирламчи ишлов берилгандан сўнг жаҳон бозорида сотилишини таъминлайди.

Олинган натижаларнинг таҳлилидан келиб чиққан асосий хулоса шундан иборатки, биринчи ва иккинчи йўналишларнинг потенциал имкониятлари тугашига якин, бозор ислоҳотларининг бундан кейинги чукурлашуви ишлаб чиқаришнинг фаоллашуви билан яқиндан боғланиши керак. Саноатлаштирилган ривожланиш йўналишини амалга ошириш механизмининг ҳал қилувчи элементи саноатнинг устувор йўналишларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан оқилона қўллаб-куватлаш сиёсатидан иборат. Бюджет ҳаражатлари, ишлаб чиқариш ва таркибий ислоҳотларни кувватлаш учун имтиёзли кредитлар бериш кўламининг ўсиши натижасида дастлабки 1-2 йилда бошқа йўналишларга нисбатан анча катта бюджет такчиллиги юзага келишига ҳамда инфляциянинг ўсишига олиб келиши мумкин бўлган (куйидаги жадвалга қаралсун).

Аммо, молиявий ҳолатни яхшилаш, ўзаро қарздорликнинг бартарафа килиниши бюджетнинг даромад қисмини оширади. Шунинг билан бирга инфляция даражаси ва бюджет камомади кўпроқ бюджет ҳақидаги қонуннинг қанчалик изчил ва қатъий амалга оширилишига, қишлоқ хўжалигига банд бўлган ходимларнинг бошқа соҳаларга ўтказилиш жараёни ва соликни йиғиш механизмига, айниқса, хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасида қанчалик самарали ҳаракат қилишига боғлик.

Миллий иқтисодиётда 2004-2006 йиллардаги бозор ислоҳотларининг тукурлашувига оид мұкобил йўналишларнинг қиёсий динамикаси.

Йиллар	Макроиктисодий индикаторларнинг башорати (олдинги йилга нисбатан %)		
	Ялпи ички Маҳсулот	Саноат	Қишлоқ хўжалиги
2001	103,8	106,2	107,1
	104,2	108,5	107,7
	104,4	106,2	108,2
Вариант	Истиқбол (йиллар)		
2004	Пессимистик	104,5	105,6
	Оптимистик	109,2	108,2
2005	Пессимистик	105,6	106,7
	Оптимистик	111,3	109,1
2006	Пессимистик	106,7	109,1
	Оптимистик	115,0	113,3
			109,2

3. Асосий хуоса ва таклифлар

1. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш давомида эркинлаштириш шароити мураккаб, иқтисодий ўсиш ва жамгарманни тартибга солиш учун кундалик зарур бўлмаган тадбирларни талаб қилади. Бу даврда давлат бош ислоҳотчи бўлиб, унинг иқтисодиётта аралашуви эркинлаштириш шароитига ўтиш жараёнини тезлаштиради. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараккӣёт йўли, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели» ишлаб чиқилганлиги, унинг назарий ва услубий жиҳатлари тўғри эканлигини ҳаёт тасдиқламокда. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ўтиш даврида айтарли «талофат» ва қарама-қаршиликларга учрамади, қисқа мuddатда иқтисодиётда барқарорлик содир бўлди. Буларнинг ҳаммаси ўтиш даврида бозор механизмлари билан бир қаторда давлат бош ислоҳотчи бўлгандиги ва «қўринмас кўл» билан давлат бошқаруви мұкобил тарзда олиб берилгандигидадир.

2. Эконометрик моделлар асосида иқтисодий ўсишнинг омиллари ва манбаларини тадқиқ қилиш натижасида ялпи ички маҳсулотнинг жисмоний ҳажми асосан ишлаб чиқариш ресурслари, хусусан меҳнат сарфлари ва унинг жамгармалар билан таъминланishi ҳажми кенгайиши хисобига ошганлиги аниқланди. Аммо, жамгарма ўсишида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлиги ошишида иқтисодий ўсишнинг интенсив манбалари салмоғи анча паст(14,5%). Ўтган давр ичida ресурсларнинг жамгарма самарадорлиги ўсишининг ўртача йиллик суръати 1,1% ни ташкил қилган. Бу 1995-2003 йилларда республиканинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўстган.

3. Саноатнинг замонавий ва қайта ишловчи соҳалари катта микдордаги хорижий сармоя, молиявий ҳаражатлар ҳамда кўп меҳнат талаб киладиган жараён бўлиб, уларни амалга ошириши имкониятлари ҳозирги вактда чекланган. Таркибий қайта қуришда маблағлар билан таъминлаш

манбааларини қидириб топиш кўпроқ ички имкониятлар ва иқтисодий ривожланиши омиллари ёки ташки имкониятлар орқали амалга оширилиши мумкин. Бу икки ёндашиб доирасида Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги бозор ислоҳотлари чукурлашувининг истиқболдаги ривожланиши варианatlари ишлаб чиқилган.

4. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз манфаатлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш моделидан келиб чиқсан ҳолда, молиявий ва монетар барқарорликка эришишга йўналтирилган. Пул ислоҳотини ўтказиш ва миллий валютани муомалага киритиш инфляция жараёнини жиловлаш ҳамда макроиктисодий барқарорлик дастурини амалга оширишда асосий манбаа бўлиб хизмат киласди. Марказлашган ва банклараро кредитларнинг фоиз ставкалари нисбатан юкорилиги пул бозорининг бир маромда шаклланишига ҳалақит бермоқла. Бир томондан, турли фоиз ставкалари ўртасида, бошқа томондан эса фоиз ставкалари ва сармоялар ўртасидаги ўзаро алоқа унчалик сезиларли эмас.

5. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг макродаражада иқтисодиётта аралашуви асосий рол ўйнаши лозим. Унинг бу роли кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва товар ишлаб чиқарувчилар учун ижобий ракобат мухитини яратишга каратилган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида ички товар ишлаб чиқарувчиларни чет эл товар ишлаб чиқарувчилари рақобатидан ҳимоя килиш бўйича давлатнинг протекцион сиёсати алоҳида аҳамият касб этади.

6. Макроиктисодий тартибига солишининг қисқа муддат ичидаги асосий вазифаси - бу миллий иқтисодиёт ривожидаги барқарорликни таъминлашни, аҳолининг жами талаби ўсишини инобатга олган ҳолда катъий монетар сиёсатини фискал сиёсат билан уйғун ҳолда амалга ошириш. Бу мақсадларни амалга оширишда давлат фискал сиёсати билан биргаликда самарали монетар сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим. Бунда товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқни қисқартириш, устувор ва қайта ишловчи тармоқлар, саноат ва аграр соҳалар ўртасида баҳолар мутаносибликдаги узилишларни бартараф қилишга эътиборни каратиши керак.

7. Марказий банк ва ҳукумат томонидан «катъий» монетар сиёсатининг олиб борилиши инфляция даражаси ва давлат бюджети тақчиллиги устидан назорат ўрнатишда маълум мувваффакиятларга эришиш имконини берди. Бироқ, миллий иқтисодиётнинг баъзи тармоқларида давом этаётган тузилмавий ўзгаришлар аҳоли реал даромадларини янада ошириш лозимлиги, ўтиш иқтисодиётидаги салбий ҳолатларни бартараф қилиш йўлларининг ўртача бир маромда бўлмаганигини кўрсатмокда. Ички ва жаҳон нархлари даражасини тенглаштириш дастурини амалга ошириш доирасида баҳолар мутаносиблик даражасини қайта кўриб чиқиш лозим. Бу ҳисобкитоблар корхоналарнинг бир меъёрда фойда олишини ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишни кўзда тутмоги керак.

8. Тахлил натижалари шуни кўрсатадики, макроиктисодиётнинг баркарор ривожланиши келажакда ялпи ички маҳсулотнинг муттасил ўсиб бориши, ишсизликнинг қайд қилинган даражасида, инфляциянинг ўртача суръатларини ҳисобга олган ҳолда ижобий йўналишида боради. Аҳолининг иқтисодий фаоллиги жонланишига қараб фоиз ставкаси даражаси реал шароитларга мос келади ва сармоялашни амалга оширишга имкон беради.

Эконометрик таҳлил пул таклифи, инфляция суръати, фоиз ставкаси ва сармоялар ўргасида кучсиз корреляцион боғликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса макропараметрлар, аввало, инфляция, пул таклифи ва фоиз ставкаси истиқболини ишлаб чиқишига имкон беради.

4. Диссертация мавзуси бўйича нашр этилган асосий илмий ишлар

1. Использование экспертных систем в информационных технологий в управлении экономикой. Международная конференция «Математическое моделирование и вычислительный эксперимент», Тошкент, 1994, 337 б. (Ҳаммуаллифликда).
2. Ўтиш даври шаротида макроиктисодий бошқаришнинг такомиллашуви. Сборник научных трудов ТГЭУ, 1998, 47-52 б. (Ҳаммуаллифликда).
3. Ход реформ и экономическое регулирование. «Экономика и статистика» журнали, 1997, № 6, 7-8 б.
4. Роль государственного регулирования при переходе к рыночной экономике. Сборник научных трудов ТГЭУ, 1995, 56-57 б.
5. Макроиктисодий барқарорлик ва ривожланиш. «Иқтисод ва ҳисбот» журнали, 1997, № 6, 12-13 б.
6. Государственное регулирование экономики с помощью фискальной и монетарной политики. Сборник научных трудов центра новых информационных технологий, 1997, 36-47 б.
7. Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви усувлари ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги самарааси. Республика конференцияси материаллари тўплами, 2003, 93-94 б.
8. Эффективность рынка в экономике Узбекистана. Сборник научных трудов «Плехановские чтения», Москва, 2002, 18-20 б.
9. Иқтисодий кибернетика. Ўкув қўлланмаси. 2000 й., 35 б. (Ҳаммуаллифликда).
10. Роль государства в экономических преобразованиях. Труды второй Международной научно-практической конференции «Формирование профессиональной культуры специалистов XXI века в техническом университете», 2002, 720-722 б.
11. Основные этапы построения экономико-статистических моделей. Сборник научных трудов ТГЭУ, 1995
12. Ўтиш даври шаротида макроиктисодий бошқаришни такомиллаштириш. Сборник научных трудов «Современные информационно-коммуникационные технологии в экономике, науке и образовании» Тошкент, 1998 (Ҳаммуаллифликда).

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қобилов Алишер
Ўриновичнинг 08.00.06 – «Эконометрика ва статистика» ихтиносолиги бўйича
«Иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибиға солиш жараёнларини
моделлаштириши» мавзусидаги диссертация ишининг
қисқача мазмуни**

Калит сўзлар: эконометрик моделлар; иқтисодий ўсиш; жамғарма; башорат; тартибиға солиш; статистик таҳлил.

Тадқиқот обьектлари. Тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсишига ва жамғармадаги асосий аграр-иктисодий ва ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир этувчи омиллар олинган.

Илмий тадқиқот мақсади. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибиға солиш жараёнларининг назарий, услугубий ва эконометрик моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: Назарий мушоҳада, илмий абстракция, мантикий таҳлил, математик ва эконометрик-статистик услублар каби бир қатор илмий методлар кўпланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти босқичма-босқич шаклланиб бораётган шариотда иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибиға солиш жараёнларининг назарий, услугубий ва эконометрик моделлар мажмуаси ишлаб чиқилган. Жумладан: иқтисодий ўсиш ва жамғармани эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодиётни тартибиға солиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари асосланган; иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибиға солиш услулари, шунингдек, бозор иқтисодиётнинг давлат бошқаруви услулари таклиф этилган; иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибиға солишни таҳлил этишда эконометрик моделлардан фойдаланиш йўллари асосланган; яратиладиган кўпомилли эконометрик моделларнинг мутаносиблигини таъминлаша услулари таклиф килинган; Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари динамикасининг статистик таҳлили ва таркиби ўзгаришининг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган; иқтисодий ўсиш тенденциялари ва динамикаси ўзгаришининг истиқбол вариянтлари, шунингдек, кутиладиган ўсиш суръатини башоратлаш услублари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаша учун зарур бўлган жамғарма даражасини топиша кўпланилалиган эконометрик моделлар яратилди; иқтисодий ўсишининг ишлаб чиқариш омилларига боғлиқлик даражаси ва мъёрини аникладиган усул – ишлаб чиқариш функцияси тузилди, омилларнинг обсолют ва нисбий таъсир «кучи» хисобланиб чиқилди. Эконометрик моделлар асосида миллий иқтисодиётнинг келгуси даврдаги муқобил ўсиш суръати таклиф этилди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий эконометрик моделлар ва таҳлил услулари макродаражала иқтисодий ривожланишнинг бир неча муқобил йўналишиарини ишлаб чиқиш, иқтисодий ўсиш ва жамғармани давлат томонидан тартибиға солиш, шу соҳадаги илмий тадқиқотларни тараққий этиришда, Иқтисодиёт университети ва факультетларида «эконометрика» ва «статистика» фанларидан дарс беришда кўпланиб келинмоқда. Илмий ишланмаларнинг самарадорлиги макро ва микродаражала ресурслардан оптимал фойдаланиш хисобига эришилади. Услубий тавсия ва моделлар кисман Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Самарали иқтисодий сиёсат марказида татбиқ этилган.

Кўллаш соҳаси: диссертациянинг асосий натижалари ва хуносалари Макроиктисодиёт вазирлиги ва унинг вилоят бўйимлари, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт вазирлиги қошидаги Самарали иқтисодий сиёсат марказида кенг кўллаш учун таклиф этилади.

Резюме

**диссертационной работы Кобилова Алишера Уриновича на тему:
«Моделирование процессов регулирования накопления и экономического роста»
на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности
08.00.06 – «Эконометрика и статистика»**

Ключевые слова: эконометрические модели; экономический рост; накопление; прогноз; регулирование; статистический анализ.

Объект исследования. В качестве объекта исследования выбраны факторы, влияющие на экономический рост и основные аграрно-экономические и социально-экономические процессы накопления Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка теоретических, методических основ и эконометрических моделей процессов регулирования накопления и экономического роста, обеспечивающие устойчивое развитие национальной экономики.

Методы исследования: применен ряд научных методов такие как, теоретическое мышление, научная абстракция, логический анализ, математические и эконометрико-статистические методы.

Полученные результаты и их новизна: разработаны теоретические, методические и комплекс эконометрических моделей процессов регулирования накопления и экономического роста в условиях поэтапного формирования рыночной экономики. В том числе, обоснованы подходы и особенности процессов регулирования национальной экономики в условиях либерализации накопления и экономического роста; предложены методы регулирования накопления и экономического роста, а также методы государственного регулирования рыночной экономики; обоснованы пути использования эконометрических моделей в анализе экономического роста и регулирования накопления; предложены методы обеспечения адекватности создаваемых многофакторных эконометрических моделей; разработаны эконометрические модели структуры и статистического анализа динамики основных макроэкономических показателей национальной экономики Республики Узбекистан; предложены перспективные варианты изменения динамики и тенденции экономического роста, а также методы прогнозирования ожидаемых темпов прироста.

Практическая значимость работы: созданы эконометрические модели применяемые в поисках нужных фондовых степеней в обеспечении стабильного развития национальной экономики, создана производственная функция – метод определяющий норму и степень зависимости экономического развития от производственных факторов. На основании эконометрических моделей предложены альтернативные темпы развития национальной экономики в будущем.

Степень применения и экономическая эффективность: созданные в диссертации эконометрические модели и способы анализа применяются в разработке альтернативных направлений экономического развития и в регулировании накопления со стороны государства, в развитии научных исследований в этой области, в преподавании предметов «Эконометрика» и «Статистика» на экономических институтах и факультетах. Эффективность научных разработок достигается за счёт оптимального использования макро и микростепени ресурсов. Методические рекомендации и модели частично применяются в Центре эффективной экономической политики при Министерстве макроэкономики Республики Узбекистан.

Область применения: основные научные результаты и положения диссертации предложены для широкого применения в Министерство макроэкономики, его областным отделам, Центру эффективной экономической политики при Министерстве макроэкономики Республики Узбекистан.

R E S U M E

of dissertation of Qobilov Alisher Urinovich on theme "***Modeling the regulation process of economic growth and savings***" for getting the degree of candidate of Economic sceilences on speciality 08.00.06 – "Econometrics and statistics".

Key words: Econometrics models, economic growth, savings, prognoze, regulation, statistic analise.

Research objects. The Republic of Uzbekistan's economic growth and savings as well as their main agro-economic and social economic processes and effecting factors have been taken as objects of the research.

Objectives of the research. In providing the stead development of national economy, working out the economic growth and the theories, practices and econometric models of savings control process is the objective of the research.

Research method. Theoretical discussion, scientific abstraction, logical and comparative analysis, mathematics and statistical methods.

Derived results and their innovativeness. While the market economy in our country has been forming, faction of theoretical, methodical and econometric models of economic growth and savings control process was developed. For example, in the liberalization of economic growth and savings circumstances, specific characteristics and principles of regulation processes of national economy have been proved; the methods of state's intervention in market economy and its effectiveness in Uzbekistan as well as complex methods of economic growth and savings regulation have been developed; using econometric models in regulation of economic growth and savings have demonstrated. Some methods recommended in developing multi factorial econometric models, testing their stability and providing their strength; statistical analysis of dynamics of Uzbek national economy's main macroeconomic rates and econometric models of their structural changes have been worked out; forecasting models of economic growth trends and increasing savings as well as forecasting models of dynamic structural changes are recommended.

Practical meaning of investigation: created economical models reconciling in searching important find degrees on ensuring stable developing national economy; created industrialfunction – method determining guota and degree dependence to economical development from industrial factors, searched absolute and relative strength. In virtue of economical models offered alternative growth rates of development of national economy in the future.

Degree of employing and economical efficiency: created on dissertation of scientific econometrical models and methods are effective on working out alternative direction of economic development and regulation of fund from side of state, on developing of scientific investigation in this sphere, on teaching subjects "Econometric" and "Statistics" at economical institutes and faculties. Effect of scientific work outs achieving at the expense of optimal using of macro and micro degree of resources. Methodical recommendation and models are partial using in Center of effective economical politics under Ministry of Macroeconomy of the Republic of Uzbekistan.

Sphere of using: fundamental results and totals of dissertation are offered for wider using in the Ministry of macroeconomy, for its regional departaments, Center of effective economical politics under Ministry of Macroeconomy of the Republic of Uzbekistan.

Қоғоз бичими	1,2 б.т.
Босишига рухсат этилди	04.09.2004 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	298

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкӯчаси, 49 -- уй
e – mail: talaba@tsue.uz